

ЭЪЗОЗ

Вилоят Ички ишлар бошқармасида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан соҳада фаол меҳнат қилаётган аёллар иштирокида тадбир ўтказилди.

Собитқадамлик саодати

Унда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Саидкарим Нишонбоев ички ишлар тизимида хизмат қилаётган аёлларни байрам билан табриклаб, уларнинг Ватан равнақи ва халқ манфаати йўлидаги фидокорона хизматларини мамнуният билан эътироф этди.



Тадбирда байрам муносабати билан хизматчиларга эсдалик совғалари ва мукофотлар топширилди.

Санъаткорларнинг чиқишлари байрамга янада кўтаринкилик бағишлади.

Хурида ТУРСУНБОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни бекиёс. Аёлларимиз ўқитувчи, тикувчи, шифокоргина эмас, балки адабиёт ва санъат соҳасининг етук намояндалари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари, ўзини ўзи бошқариш идораларининг масъул ходимларидир. Ҳатто, ҳарбийларимиз қаторида озод Ватан, ҳур диёримиздаги осойишта, фаровон ҳаёт бардавонлиги йўлида фидокорона фаолият олиб бораётган хотин-қизлар қанча...

ШИЖОАТИ КЎПГА ИБРАТ

Бекобод шаҳридаги Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бир гуруҳ жонқур аёллар хизмат қилмоқда. Байрам арафасида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бекобод ша-

ҳар кенгаши мазкур ҳарбий қисм раҳбарияти ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда "Ўзбек аёли - одоб тимсоли" ва "Осуда ҳаёт қадри" мавзуларида давра суҳбати ташкил этди. Суҳбатда давлатимиз томонидан аёлларга қаратилган эътибор,

яратилган шарт-шароитлар тўғрисида атрофчилик фикр юритилди. Аёллардаги ички ва ташқи гўзаллик, ибтиҳо ва ҳаё қабил хислатлар буюклигининг асосий мезони эканлиги таъкидланди.

У. АБДУНАСАРОВ, касаба уюшмаси шахар кенгаши раиси.

САНЪАТИМИЗНИНГ ГАВҲАРИ

Вилоятимиз нафақат юксак иқтисодий салоҳияти, балки етук маданият ва санъат намояндлари билан ҳам фахрлинига арзигулик. Неча-неча шоирлар, ёзувчиларга, санъаткор олимларга бешик бўлган маконда яшаётганимиздан кўнглимиз ифтихорга тўлади.



Дилдаги гаплар

Бугунги суҳбатдошимиз - Ўзбекистон халқ артисти, кино ва театрдаги фаолияти давомида мухлислар меҳрини қозонган Гавҳар Зокирова ҳам асли Тошкент вилояти фарзанди - Тўйтепада таваллуд топган. Ҳозир Ўзбек Миллий академик драма театрида ишлаётган санъаткорнинг юртимиз бўйлаб Муस्ताқиллик, Наврўз, Конституция, Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган тадбирлар, "Биз буюк юрт фарзандларимиз", "Кеча ким эди-у бугун ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" сингари фестивалларда кўп учратамиз. Айниқса, вилоятимиздаги уқрашувларнинг бирортасини қолдирмайди.

Театр оламига қириб топилганнингиз, йўқотганларингиз ҳақида ҳам...

Кўйин савол, дарров жавоб беришим мушкул. Авваламбор, ўзлимизни тоғдим. Ёшлигимдан санъаткор бўлишни оруз қилганман ва бунга интилганман. Шу санъат сабаб, турмуш ўртоғим Жамшид Зокировни учратдим. Улуғ санъат дарғалари Шукур Бурҳонов, Ғани Аъзамов, Зайнаб Садриева, Ҳожиабдул Нурматов, Эркин Комиллов, Гулчехра Жамилова ва бошқа кўпсанъаткорлар билан ишладим ва ҳозир ҳам ишлаяпман. Буюк санъаткорлар оиласига келин бўлиб, улардан мухлисларга муносабатни, касбни севишни, фидойиликни ўргандим.

Мен санъатдан устозлар, дўстлар, томошабинлар ва халқ эътиборини, ҳурматини тоғдим. Санъаткор оилада тарбияланаётган набираларингиз ичиде соҳангизга қизиқанлар борми? Набираларим ҳали ёш бўлганлиги учун ҳозирча бу ҳақда бир нима деёлмайман. Катта набирам рассомлик тўғраига қатнашди. Лекин, отабоболари санъаткор бўлишгани боис, балки кейинчалик шу соҳага қизиқиб қолишса, эҳтимол...

Назаримизда, театрдаги ролларингиз камроқ...

Аслида актёр ролга ҳеч қачон ўтмайди. Доммо ишга чанқоқман. Тинч ўтирмайман. Жамшид акам билан роль кутиб ўтирмадик ёки бизга роль насиб этмади, деб хафа бўлмасдик, балки ўзимиз драматургларга гоё берадик. Улар биз учун пьеса ёзишарди. Бунинг исботи сифатида "Эргиннинг орзуси", "Севаман дедимми, севаман", "Танҳо юлдуз - 1" спектакллари келтириш мумкин. Ҳозир Мольернинг "Тартюф" асариде кичик ролни ижро қилмоқдаман. Бундан ташқари, театримиз қошидаги ҳаваскор ёшлар студиясида талабаларга маҳорат дарсларини ўтаяпман, шунингдек, режиссёрлик билан ҳам шуғулланапман.

Шогирдларингиз ҳақида ҳам билгани истардик?

Бизнинг касбда устоз-шогирдлик анъанаси бир оз бошқачароқ. Чунки, ҳеч бир санъаткор "сен бундай ўйна, бундай қил", демайди. Сиз ўзингиз уларнинг ижросини кўриб, кузатиб, хулоса чиқарасиз. Масалан, соҳангизда устозлар шогирдининг, ҳатто кўлидан тутиб ўргатади.

Спектаклни режиссёр сахналаштиради, актёр эса режиссёр айтганларини бажаради. Устозлар ижросидан ўзингизга керакли сабоқларни олаверасиз. Шу маънода ўшимиз улғайиб борса-да, театрдаги жуда кўп зарбадда сахна усталарини устозим деб биламан.

Агар санъаткор бўлмаганингизда, қайси касбни танлардингиз?

Санъат соҳаси ҳаммиса кўнглимга яқин. Агар бу соҳани танламаганимда яшай олмасдик. Санъатни телбаларча яхши кўрганман. Шу боис ҳам фақат ва фақат санъаткорлик йўлини танлардим.

Китоб ўқишни ёқтирасизми? Қайси муаллифларнинг асарларини кўпроқ ўқисиз?

Болагимдан китобга меҳрим бўлакча. Уйимиздаги китобларнинг ҳаммасини севиб ўқиганман. Жаҳон адабиётидан

О. Генри, Жек Лондон, Балзак, ўзбек адабиётидан Абдулла Қодирий, Эркин Воҳидов, Мирзақалон Исмоилий, Рауф Парфи, Шукур Қурбон ва жуда кўпсанъаткорларнинг асарларини мунтазам ўқийман. Танишларим, мухлисларим китоб соҳага қилса, суюниб кетаман ва, албатта, уларни мутолаа қиламан. Ахир китоб - мўъжиза, ундан маънавий озуқа оласиз.

Радиога ҳам муаллифлик эшиттиришнинг бор. Бу соҳага қандай қириб қолгансиз?

Радиога кириб келишимга турмуш ўртоғим сабабчи бўлганлар. Мана 17 йилдан бери радио ҳаётимнинг бир бўлаги. Аввал "Ҳамроҳ", кейин "Сезам", ҳозир "Наврўз" радиосида "Дилдан суҳбат" номли эшиттиришни олиб бораман. Бир соат давом этадиган эшиттиришнинг мухлислари борлигидан жуда хурсанд бўламан. Биласизми, мана шу эшиттиришни тайёрлаш жараёни гоёт қизғин ва мароқли. Чунки, яхши мутахассислар билан суҳбатлар мобайнида ўзим учун жуда кўп маълумотлар оламан, кўнглим ёришади. Менимча, тингловчиларга ҳам худди шу ҳаёт маъқул келяпти. Бундан ташқари, радиога бир неча бадий асарларни ўқиб эшиттирганимиз. Бу ҳам кўпсанъаткор манзур бўлганлигидан хурсандман.

Қайси соҳада фаолият олиб бормай, халқимга нафим тегаётганидан жуда мамнунман. Аслида инсон бўлиб туғилишнинг маъносини шунда - бошқаларга яхшилик истаб яшашда!

«Тошкент ҳақиқати» муҳбири Шоира БОЗОРОВА суҳбатлашди.

Реклама ва эълонлар

"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукционга Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 29.07.2015 йилдаги 2251-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани, Ғазалкент-2, "Мариам текстиль сервис" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган, "Ваз-21013" русумли, д/р 10X388JA бўлган, 1981 йил и.ч., автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 2'558'014 сўм 36 тийин.

2. Аукционга Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) Учтепа тумани ФИБ судининг 27.06.2016 йилдаги 1-2658/16-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани, Иттифоқ ҚФЙ "Абдувосид бахт файз" фермер хўжалигида сақланаётган, "Нексия сонс" русумли, д/р 01X5910A бўлган, 1996 йил и.ч., автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 14 886 000 сўм. 2) 25114/18-сонли ижро варақасига асосан, Зангиота тумани, "Агабеков бек транс" МЧЖда сақланаётган, "Ваз-21063" русумли, д/р 10У574ВА бўлган, 1985 йил и.ч., автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 3 335 612 сўм.

3. Аукционга Чиноз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) Окқўрғон тумани ЖИБ судининг 20.08.2014 йилдаги ижро варақасига асосан, Чиноз тумани, ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Ваз-2103" русумли, д/р 010260BA бўлган, 1975 йил и.ч., техник ҳолати носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 1 640 000 сўм. 2) Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 12.08.2016 йилдаги ижро варақасига асосан, Чиноз тумани, "Чиноз Ал-Барака" фермер хўжалигида сақланаётган, "МТЗ-80х" русумли, д/р 48-64НТ бўлган, 1986 йил и.ч., техник ҳолати носоз бўлган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси - 17 779 247 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 11 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 7 апрель куни соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 2021000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдога иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари кўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб қиқши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001805.

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Бўстонлик тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 04.09.2016 йилдаги 11-1636/11248-сонли ижро ҳужжати га асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Ғазалкент қишлоғи худудида жойлашган, умумий ер майдони 0,292 Га, қурилиш остидаги участка майдони 339,34 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 517,38 кв.м. бўлган 1 та қурилиш биносидан иборат идора биноси такроран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси - 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 27 март куни

ОЧИК МУЛОҚОТ КУНИ

Республика "Агробанк" акциядорлик тижорат банки раҳбар ходими иштирокида Тошкент вилояти бошқармаси раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонунига асосан жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари иштирокида 9 мартдан 16 мартгача "Очик мулоқот кўнлари" ўтказилишини маълум қилади. Бунда Сиз банк соҳасига тааллуқли масалалар юзасидан бевосита муносабат қилиш имкониятига эга бўласиз. Сизга амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳат ва амалий ёрдамлар берилди.

"ОЧИК МУЛОҚОТ Кўнлари" ўтказиш жадавли:

Table with columns: №, Худуд ва филиаллар номи, Урачул ўтказиладиган жой, 10.03.2017, 13.03.2017, 14.03.2017, 15.03.2017, 16.03.2017, 17.03.2017. Rows include categories like Банк биноси, Бўшқарма бошлиғи, Бўшқарма бошлиғи ўринбосари.

Маълумот учун тел.: (0371) 244-09-82. "Агробанк" АТБнинг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!!!

2017 йил 10 апрель куни соат 15.00 да мулкнинг бошлангич баҳоси босқичма-босқич оширилиши тартибиде ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига "ILYOS ISLOM AGRO" фермер хўжалиги қарашли Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Хасанбой" ҚФЙ худуди бўйича 3,22 га ер майдони участкасида жойлашган 500 туп, 8 см. диаметрга олма дарактлари ва уларга бўлган ҳуқуқлари қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси - 4 500 000 сўм. Маазур дарактлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг душанба кўнлари соат 15.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси голиби мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси" га сотув нархининг 5 (беш) фоиз миқдориде комиссия йиғим тўлаши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтаилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидеги талабгорлар тузилган закатал келишувига асосан объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари

ри ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқладиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан - паспорт нусхаси; закатал пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Кўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдориде тўлов олинад.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Темури 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия рақами RR-0173.

"Best realtor" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

«101 хизмати хабар қилади»

ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ – ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Жорий йилнинг 27 февралдан 5 март кўнига қадар вилоят худудида 16 та ёнгин ҳолатлари қайд этилди. Улардан 12 таси аҳоли тураржойларида содир бўлиб, хонадон эгаларига катта миқдорда зарар етказди.

Ёнгин сабаблари ўрганилганда 8 та ҳолат электор симларининг қисқа туташуви, 3 таси печларни қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши, 5 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.

сифатида белгилангани муносабати билан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан маҳалаларда учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бу каби қўнғилсизликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутгани ҳақида тушунтириш берилмоқда.

Жорий йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланиши ҳамда пайшанба - "Профилактика кўни"

Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси.

«Тошкент ҳақиқати»

газетаси реклама бўлимининг телефон рақами: (0371) 233-81-21.



Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти худудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташини фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия"нинг 2017 йил 3 мартдаги 9-сонли Байномаси қарори билан: Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан,

"KOCCHA TRANS SERVICES" МЧЖга "Тошкент вилояти худудида йўловчиларни ташини шаҳар атрофида микроавтобусларда ва енгил автомобилларда ташини" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000799, 000773 рақамли ҳамда "GOLDEN AZIYA INVEST" МЧЖга "Тошкент вилояти худудида йўловчиларни ташини шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташини" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 001108 рақамли лицензияларнинг амал қилиш мuddати 2017 йил 3 мартдан тугатилганини маълум қилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

... агарки бу байрам бизнинг ҳаётимизда бўлмаган тақдирда ҳам мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг ҳурмати учун бундай байрамни, албатта, ташкил этган бўлардик.

Нега деганда, сизларнинг доимо мана шундай очилиб, ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун биз доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Азиз волидам, гамхўр мураббийим! Бугун қўлимда гул, қалбимда чексиз эҳтиром билан айёмингиз муборак бўлсин, дейман! Сиз Ватанга ўхшайсиз, Онажон!

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном!

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Баҳорнинг илк кунлари-даноқ таърифу тавсифи осмонларга бўйлаган оналар, опа-сингилларнинг ёниқ чехраси баҳор чегагидек, борлиқни яшнатади. Муқаддас аёл! Мўътабар она!

Шу топда вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларидан бирида, Бекобод тумани, "Қўқони" маҳалласида яшайдиган бир мунис, муштарип она кўз олдидан кетмай қолди.

...Ҳафизахон кечаси билан тўлғоқ азобидан инграб чиқсада, эрига билдирмади. "Ишдан ҳориб келувди-я", деб оғриқни ичига ютди. "Э, Худойим, ўзинг сабр бер, омон-эсон кутулиб олай, - дея нола қилди. - Ишқилиб, буниси отасига қўл-қанот бўлсин-да". Она, пишиллаб ухлаб ётган икки ёшли қизалоғи Моҳирани пешонасидан ўпиб, устини ёпиб қўйди...

У вужудини тилкалаётган оғриқ азобидан ҳушини йўқотгудек ҳолга тушди. Кўзини аранг очиб, тепасида турган оқ халатли дояларни кўрди-ю, хавотирли нигоҳларидан қандайдир кўнгилсизликни сездди. "Болам, болам қани?" "Тинчланинг, фарзандингиз тирик, қизчали бўлдингиз..." - дейишди улар. Чақалогини бағрига босган онанинг юзларини кувонч ёшлари ювди: "Хайрият!"

Аммо, тақдир синовлари ҳали олдидан эди. Ҳафиза ногирон қизини кучоқлаб, юм-юм йиғлади... Кейин тақдирга тан берди. "Ҳали бир қиз бўлсин-ки", дея исминини Гулзода қўйди. Ушанда айни ўйнаб-куладиган, ҳаёт завқини суриб яшайдиган ёшда, эндигина йигирмага тўлган эди. Аммо, Ҳафиза ҳою-ҳавас дардида, ҳатто тўрт му-

часи соғ боласидан ҳам воз кечадиган бемехр оналардан фарқи ўлароқ, ҳаётини, бугун борлигини фарзандларига, оиласига бағишлади. Баъзилар Гулзодани ногиронлар уйига топширишни маслаҳат беришди. Аммо, Ҳафиза йигирма йилдири, жигарпорасига парвона. Гоҳ елкада, гоҳ кучоғида ардоқ-

қасида юрган эрининг парваршига ҳам жони ҳалак...

- Гулзода жуда зийрак, ақлли, - дейди она. - Коллежни аёло баҳолар билан тугатди. Адабиётга қизиқади. Қўлидан китоб тушмайди. Аммо, нигоҳларидаги маъюслик, ўқинчи кўриб, юракбағрим ўртанади. Лекин, тақдир ёзигага тоқат қилмай илож йўқ.

□ Одамийлик шеваси

ГУЛГА ЎРАЙМИ, БОЛАМ



лаб, мактабда, коллежда ўқишига ёрдам берди. Унинг йигирма йиллик азобларига оналик меҳри малҳам, давлатимиз томонидан берилётган моддий, маънавий ёрдам, шунингдек, умр йўлдоши Шавкатжоннинг, катта қизи Моҳира, кенжаси Жалолдиннинг далдалари дармон бўлди. Бугун Гулзоданинг буй-бастига, ақлу одобига қараб бир кувонса, унинг ёғоч оёқларида хиёл оқсоқлаиб юришидан қалби зирқирайди.

- Гулзода каби имконияти чекланган, эътиборга муҳтожларнинг ота-оналари Ҳафизахондан ибрат олишса арзийди, - дейди туман ногиронлар уюшмаси раиси Санобархон Мамаюсупова. - Ҳокисорлиги шунчаллики, давлатимиз ажратаётган, ҳомийлар бераётган моддий ёрдамни ҳам ийманибгина олади. Лекин, фарзандлари учун туну кун тиним билмайди. Ҳатто, саккиз йилдан буён ногиронлик нафа-

У ҳам дардини қоғозга тўқади, ёзган шеърларини йиғмасдан ўқий олмайман!

Тақдир ситамидан "оҳ" тортар бўлсам, Жонлари куюкда, парвона онам.

Жилмайиб турару, кўзларида нам, Қирққа етмай нуронийга айланган онам...

Қизгинанинг беғубор қалби она қишлоғи, яқинлари, ота-онаси, дўсту дўгоналари меҳри билан лиммо-лим. Бу меҳри уни дил дафтарига болаларча содда, баъзида тўпори сатрлар



ёрдамида жойлаган. Уларда Ватанга, ота-онага муҳаббат, садоқат туйғуларини сезиш қийин эмас. Тўғри, бу шеърлар шеъринг бўстони сари энди қадам ташлаётган ҳаваскорнинг машқлари. Аммо, уларда дахлдорлик, замон билан ҳамнафаслик, тенгдошлари тақдирига қайғуриш каби одамийлик хислатлари сезилиб туради.

"Ўзинг эрка эдинг,
сўзларинг эрка,
Болалик гаштини
сурардинг уйда.
Эндичи, ёт кимсалар
сўзига учиб,
Дарбадар кезасан,
виждонинг сотиб.

Маломат тошлари
қўқсида отанг,
Юраги хуруглаб
ётсаю онанг,
Ўз юртинг қадрига
етмасанг агар,
Кунларинг зулматга
айланар, билсанг...

Онаизорнинг дардли ҳикоялари, айниқса, қирқ ёшида қирвоқ кўнган оппоқ сочлар, маъюс, шу билан бирга умид, ишонч балқиб турган нигоҳларга боқиб, меҳри дарё, қалби уммон оналарни "жасорат" тимсоли, дея атагимиз келди.

Шу кунларда Гулзода олий ўқув юртига кириш мақсадида астойдил шуғулланмоқда. Ҳафизанинг орзуси қизгина моҳир ўқитувчи бўлиб, ўқувчилари, эл-юрти меҳрини қозонса, йўлларини эзгулик гуллари безаса...

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Реклама ўрнида

ҒАЗАЛ СОҒИНАЧИ

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда бунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур,
Хусн шоҳи... ул балоларким кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси Язид таоло сунъи нақошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,
Бул ажабларким, бу эски дайир хуфошиндадур.

То Навоий чекти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадур.

Алишер НАВОЙЙ

□ Моҳият

БУЮКЛАР ЭЪТИРОФИ

Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим.

Амир ТЕМУР

Тоқим ер юзида битта бўлса ҳам аёл мавжуд экан, у ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

Станислас де БУФФЛЕР

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

СТЕНДАЛЬ

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади

И. С. ТУРГЕНЕВ

Аёл муқаддас, севилган аёл эса иложидир.

Александр ДЮМА

Аёл тахмини эркакнинг ишончидан аниқроқ бўлади.

Редьярд КИПЛИНГ

Қибрай тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими

барча аёлларни

8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриқлайди.

Азизлар, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишингизда сизларга куч-қувват ва ижодий фаоллик тилаймиз.



AGROBANK

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида халқимиз ҳаёти бундан фаровон, дастурхонларимиз бугунгиданда тўкин бўлсин. Кириб келган баҳор фасли юртимизга файзу барака олиб келсин.

«АГРОБАНК» АТБ юртдошларимизга ана шундай эзгу тилаклар билан бир қатор миллий ва хорижий валютадаги омонат турларини тақлиф этади.

Жумладан, миллий валютадаги муддатли ва жамғарма

«МАНФААТ»

«АГРОПЛЮС»

«ИФТИХОР - 2017»

номли омонат турлари, албатта, сизга манзур бўлади. Банк томонидан жорий этилган шу каби 22 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонат турлари орқали сиз ўз маблағларингизни кўпайтиришингиз мумкин.

Сизнинг омонатга қўйилган маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди билан ҳимояланган.

Қўшимча маълумотларни +99871 203-88-88 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Худудлар бўйича қўшимча қисқа рақамлар:

Қорақалпоғистон	58318	Сурхондарё	00841
Андижон	00144	Сирдарё	00939
Бухоро	00244	Тошкент вилояти	01007
Жиззах	00342	Фарғона	01155
Қашқадарё	00445	Хоразм	01244
Навоий	8-436-770-35-39	Тошкент шаҳри	150-53-71
Наманган	00643	Марказий аппарат	11282
Самарқанд	00746		

Хизматлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзиллиги:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Котибият: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУҲҲАЕВ